



**МУРОЖААТЛАР  
СОҲА  
РИВОЖИГА  
ХИЗМАТ  
ҚИЛАДИ**

3-бет.



**IT-PARK И  
CODIFY  
ЗАПУСКАЮТ  
СЕРИЮ  
МАСТЕР-КЛАССОВ  
НА ТЕМУ  
IT-ОТРАСЛИ**

5-бет.



**МУТАХАССИС  
ОЗИШДАГИ  
ЭНГ ХАВФЛИ  
ХАТОНИ АЙТДИ**

7-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqqa boshlagan

# Xabar

ERUR SEN SHO'H, AGAR OGOHSEN SEN,  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

**18** (1544)-son  
6-may  
**2022**

@xabaruzofficial  
@xabaruzofficial  
facebook.com/xabar.uz/

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz



## Медиатаълим

Мустақил фикрлашга ўргатади

Бугун бирор соҳа фаолиятини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Жумладан, ёш авлодга таълим-тарбия беришда ҳам у муҳим омиллардан бирига айланмоқда. Электрон алоқа воситалари, интернет, сунъий йўлдошлар айнан оммавий ахборот воситаларининг мисли қўрилмаган суръатлар билан ривожланишига замин яратяпти.

Мамлакатимизда замон талабига мос юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва малакага эга, янгича дунёқараш ва мустақил фикрли мутахассислар тайёрлаш учун беқиёс имкониятлар яратилмоқда. Бу борада ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ҳисобланмиш – медиадан таълим жараёнида фойдаланишнинг истиқболли йўналишларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Таълим жараёнида медиа, яъни, интернет, телевидение, радио, кино, видео, телефон ва бошқа алоқа воситалари ўз самарасини кўрсатаётир.



## ЭНГ КЎП КОСМИК ЙЎЛДОШГА ЭГА МАМЛАКАТЛАР

Ер орбитасига мамлакатларга қарашли 2 мингга яқин сунъий йўлдошлар олиб чиқилган.

1. АҚШ – 830
2. Хитой – 280
3. Россия – 147
4. Миллатлараро – 145
5. Япония – 75
6. Буюк Британия – 54
7. Ҳиндистон – 54
8. Канада – 37
9. Люксембург – 33
10. Германия – 29




Манба: Statista

## АКТ вазири Сурхондарёда Ёшларнинг АКТ ва чет тилларини ўрганишлари жуда муҳим



Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов ҳудудларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ўрганиш мақсадида жорий йилнинг 4-5 май кунлари Сурхондарё вилоятида бўлиб, бу ерда соҳа тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди.





Жумадан  
жумагача

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 29 апрел куни эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ҳар йили санаторийларда даволаниши, кам таъминланган нурунийларнинг дори-дармон ва ортопедия мосламалари, жарроҳлик амалиётлари харажатлари давлат томонидан қоплаб берилиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 апрел куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Япония ташқи ишлар вазири Ёсимаса Хасини қабул қилди. Учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон – Япония ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

2 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Туркия етакчилари халқаро сўбатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар, Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммитига тайёргарлик кўриш масалаларини муҳокама қилдилар.

Хайит кунларида Тошкент шаҳрида яна бир мажмуа – янги йўл ва кўприклар очилди. Президент Шавкат Мирзиёев 3 май куни ушбу транспорт иншоотини бориб кўрди. Унинг қурилиши 2020 йил августда бошланган эди. Лойиҳа доирасида 6,5 километр узунликдаги 6 тасмали автомобиль йўли, 6та кўприк қуриди. Бу орқали Сергели туманидаги Қипчоқ кўчаси Яккасарой туманидаги Чўпонота ва Усмон Носир кўчалари билан боғланди.

Президент Шавкат Мирзиёев 3 май куни Ички ишлар вазирлигининг Ситуацион-таҳлилий марказида бўлди. Бу мажмуа ички ишлар органларининг куч ва воситаларини ахборот технологиялари асосида бошқаришга ихтисослашган. Замонавий бино қурилиб, 554 терабайт хотирага эга 18та сервер, катта ҳажмли кузатув экранни, компьютерлар билан жиҳозланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Давлат раҳбарлари ҳудудлар ўртасидаги мулоқотларни фаоллаштириш ва маданий-гуманитар алмашувни ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар.

## АКТ вазири Сурхондарёда

# Ёшларнинг АКТ ва чет тилларини ўрганишлари жуда муҳим

АКТ вазири вилоятдаги хизмат сафарини Сурхондарё ахборот технологиялари техникуми фаолияти билан танишишдан бошлади.

Мазкур техникум Ангор туманидаги Иқтисодиёт ва тадбиркорлик техникуми негизда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда бу ерда кундузи ва сиртки таълим йўналиши бўйича тўртта мутахассислик йўналишида ўқувчиларга таълим бериб келинмоқда.

Ташриф давомида соҳа раҳбари Ш.Шерматов ИТ техникумда ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечиргач, таълим даргоҳи ўқитувчилари билан очиқ мулоқот ўтказди. Мулоқотда ўқувчиларга сифатли талим бериш масалалари ва уларни замонавий билимларни эгаллаган рақобатбардош кадрлар қилиб тарбиялашда ўқитувчиларнинг роли муҳимлиги ҳақида сўз юритилди. Шу билан бирга, ИТ техникумлар ўқув дастурларини ўқувчиларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантиришга қаратиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Ўқувчиларнинг ИТ компаниялар ва тизимдаги ташкилотларда амалиёт ўташ тартибини йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг Шерзод Шерматов “Ўзбектелеком” АК Сурхондарё филиалининг Бойсун туман телекоммуникациялар боғламасига ташриф буюрди.

Сурхондарё вилоятида АКТ соҳасида хизматлар улушини кўтариш ва вилоятнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ёшларга юқори даромадли янги иш ўринларини яратиш мақсадида Бойсун туманида намунали ВРО марказини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

АКТ вазири Бойсун телекоммуникациялар боғламаси иш фаолияти билан танишиш асосида у ерда янги ташкил этилаётган ВРО марказини ҳам кўздан к-

чирди. Бинонинг мавжуд бўш турган қисмини замон талаблари асосида таъмирлаш, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда лойиҳани ишга тушириш бўйича кўрсатмалар бериб ўтди.

Вазир қайд этганидек, ёшларни АКТ соҳасига кенг жалб этиш ва юқори ҳақ тўланадиган ИТ-касбларини ривожлантириш уларнинг бандлигини янада оширишга хизмат қилади.

АКТ вазири Сурхондарё вилоятига ташрифи доирасида “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУКнинг Учқизил РТС фаолияти билан яқиндан танишди.

Ш.Шерматов Учқизил РТСнинг ходимлари билан суҳбатлашиб, бу ерда ўрнатилган замонавий рақамли телеузатиш қурилмаларини ҳам кўздан кечирди. Шунингдек, учрашув давомида соҳада фаолият олиб бораётган ишчи-ходимларнинг кўшимча даромадларини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Учқизил РТС 1986–1988 йил-

ларда қурилган бўлиб, 1990 йилдан бошлаб ишга туширилган. 26 гектар майдонда жойлашган ушбу иншоот антенна-мачтасининг баландлиги 350 метрни ташкил этади.

РТСда қуввати 5 кВт бўлган битта DVB-T2 форматдаги рақамли ва олти дона аналог радиоузатиш қурилмалари мавжуд бўлиб, вилоят маркази Термиз шаҳри ва Термиз, Ангор, Музработ, Жарқўрғон, Қизирик, Шеробод, Бандихон, қисман Бойсун туманлари аҳолисига ижтимоий тўпламдаги рақамли телевидение дастурлари ҳамда “Ўзбекистон”, “Ёшлар”, “Маҳалла”, “Янги асп”, “Водий садоси”, “Ўзбекистон таронаси” FM радиоканаллари тўлқинларини эфирга узатиш фаолиятини олиб боради.

Шерзод Шерматовнинг Бойсун туманидаги Рақамли технологиялар ўқув марказига ташрифи ҳам ишчанлик руҳида ўтди. АКТ вазири у ерда таълим олаётган ўқувчилар билан учрашиб, уларга ахборот технологиялари ва чет тилларини ўрганиш муҳимлигини таъкидлади.

Шинам хоналарга эга бўлган ушбу марказ замонавий компьютер жиҳозлари, юқори тезликда ишловчи интернет тармоғи билан таъминланган. Бу ерда туман ёшлари учун рақамли технологиялар, дастурлаш асослари, робототехника бўйича ўқув курслари ташкил қилинган.

Шунингдек, бу ерда компьютердан самарали фойдаланиш, дастурлаш, веб-дизайн, компьютер графика асослари каби ихтисослашган ўқув курслари ташкил этилган.

Шу билан бирга, ўқув марказида Бойсун туманидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда ходимлари ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўз малакасини ошириш имконияти ҳам мавжуд.

““

**УЧҚИЗИЛ РТС ХОДИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ДАВОМИДА СОҲАДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН ИШЧИ-ХОДИМЛАРНИНГ ҚЎШИМЧА ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР БЕРИЛДИ.**

### Ҳамкорлик

## IT Талабалари Швецияда амалиёт ўтайди

Хизмат сафари билан Швецияда бўлган Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети ректори М.Жалолов ушбу мамлакат ИТ-компаниялари, хусусан, Sigma software бўйича вице-президент Артем Петренко ва DanAds вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Учрашувларда университет ходимлари ва талабаларининг ушбу компанияларнинг нафақат Швециядаги, балки бутун Европадаги офисларида амалиёт ўташлари, малакаларини оширишларини ташкил этиш бўйича келишувларга эришилди. Шунингдек, Ўзбекистонда Sigma software ва DanAds офисларини очиб, талабалар учун масофадан туриб ишлаш имконияти ҳам муҳокама қилинди.



# МУРОЖААТЛАР СОҲА РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Сурхондарё бўйлаб хизмат сарфининг эртасига, яъни 5 май куни Термиз шаҳридаги Матбуот уйида АКТ вазири Ш.Шерматов сайёр қабул ўтказди. Унда жисмоний ва юридик шахслар, тадбиркорлик субъектлари, талаба ёшлар иштирок этди.


Сайёр қабулда вазирлик тизимидаги соҳа корхона, ташкилот ва муассасалари ҳамда мобил алоқа операторлари, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари мобил ва стационар кўргазмалари билан қатнашди.

Қабул давомида ИТ соҳасида инвестициялар жалб қилиш, олий таълимда ўқитиш сифати, илмий салоҳиятни ошириш, фрилансерлик ва аутсорсинг хизматларини ривожлантириш, дастурий маҳсулотлар экспортини ошириш, фуқаролар томонидан телекоммуникация хизматларини, хусусан, телефон ва почта алоқаси, мобил алоқа, интернет хизматлари сифати, ИТ-йўналишида ўзларини қийнаётган аниқ муаммо



ва масалалар кўтарилди ҳамда АКТ хизматлари сифатини ошириш бўйича таклифлар билдирилди.

Соҳа корхона ва ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган телефон, интернет, почта алоқаси, мобил алоқа, интернет хизматлари сифати, таълим сифатини ошириш, тадбиркорлик субъектларига инвестициялар жалб қилиш бўйича муаммолар жойида ҳал этилди. Ўрганиш кўшимча муддат талаб қиладиган мурожаатлар назоратга олинди.



Сайёр қабулда иштирок этган аҳоли вакиллари, талабалар, тадбиркорлик субъектлари томонидан бу каби халқ қабулларини мунтазам ўтказиб бориш ҳар томонлама алоқа мустаҳкамлиги, соҳа ривожига хизмат қилиши таъкидланди.

Мазкур сайёр қабулда кўтарилган барча муаммо ва масалалар юзасидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан соҳа тизимидаги масъул шахсларга

уларни ҳал этиш бўйича топшириқлар берилди.

Сайёр қабулдан сўнг Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов соҳа раҳбарига алоҳида мурожаат қилмоқчи бўлган фуқаролар билан суҳбатлашди. Вазир уларнинг мурожаат ва таклифларини эшитиб, уларни тезкорлик билан ҳал этиш бўйича масъул шахсларга топшириқлар берди.

## Маҳорат дарси

# Медиатаълим

## «1» Мустақил фикрлашга ўргатади

Мутахассислар фикрича, медиатаълим ўқувчини мустақил фикр юритишга, ижодкорлик фаолиятларини янада ривожлантиришга, ахборот олиш, уни қайта ишлаш, умумлаштириш, хулоса чиқаришга ўргатади. Таълим жараёнида медиатаълим қанчалик мукамал бўлса, у ёш авлоднинг дунёқараши, интеллектуал салоҳияти шунчалик ривожланишига хизмат қилади. Демак, бугун медиатаълим сирларини назарий жиҳатдан пухта ўрганиб, амалиётда етарли даражада қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ахборот-коммуникациянинг глобаллашуви шароитида таълим жараёнида ўзига хос талаблар пайдо бўлмоқда. Бу талаблар бевосита медиатаълим билан чамбарчас боғлиқдир.

Медиатаълим барча таълим соҳасини сифат жиҳатдан янада юқори рақамга кўтаришга, ахборот маданиятини юксалтиришга хизмат қилади. Яъни, ўқувчига ўқув жараёнида назарий билим бериш билан материалларни юқори даражадаги замонавий техника воситасида намойиш этиш имкониятига эга бўлади. Бу янгилик ва таъбир жоиз бўлса, илғор усул талабаларда қизиқиш уйғотади. Улар дарс жараёнида ўша мавзуларни пухта ўзлаштиришларига хизмат қилади. Манбаларда қайд этилишича, ЮНЕСКО қошидаги кино ва телевидение бўйича халқаро кенгаш томонидан 1973 йили биринчи мартда видеотаълимга шундай




таъриф берилган эди: «Медиатаълим деганда педагогика назарияси ва амалиётда махсус билим соҳаси сифатида қаралаётган оммавий коммуникация воситаларини эгаллаш учун назарий ва амалий кўникмаларини шакллантиришни тушуниш лозим».

Тошкент ахборот технологиялари университетининг ўқув медиа марказида «ТИ» кафедраси мудири доцент Ботир Базарбаев томонидан ўтказилган маҳорат дарсида ана шулар ҳақида сўз юритилди. Унда университет профессор-ўқитувчилари учун «Медиа таълим» ва «Медиа компетентлик» тушунчалари ҳақида маълумот берилди.

Иштирокчилар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

Ўз мухбиримиз

## Беш ташаббус – мактабда



# «Баркамол авлод» да роботлар жанги

Қорақалпоғистон Республикасидаги «Баркамол авлод» болалар мактабида «Роботлар жанги» фестивал-танлови бўлиб ўтди.

«Беш ташаббус – мактабда» шиори остида ўтказилган танловда шаҳар ва туман босқичларида голиб бўлган умумтаълим мактабларининг ўқувчилари, «Баркамол авлод» болалар мактабларидаги тўғарак аъзолари иштирок этди. Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари ҳар бир йиғилишда ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш вазифаси илгари сурилади.

Мазкур фестивал-танловни ўтказишдан мақсад ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мароқли ўтказиш, китобхонликка қизиқишини ошириш, мактабдан ташқари таълим муассасаларига ўқувчилар қамровини оширишдан иборат. Танловда роботларнинг баландлиги, кенглиги ва узунлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шундан сўнг ҳар бир робот карантин ҳудудига жойлаштирилди ва уч раунд бўйича сумо мусобақаларида иштирок этди. Ҳакамлар ҳайъати роботларнинг ҳар бир чиқишини баҳолаб борди.


Танлов якунида Кегейли тумани «Баркамол авлод» болалар мактаби тўғарак аъзоси Қудияр Бердимуратов биринчи, Хўжайли тумани «Баркамол авлод» болалар мактаби тўғарак аъзоси Самандар Камалов иккинчи, Бўзатов тумани «Баркамол авлод» болалар мактаби тўғарак аъзоси Жанхожа Махамбеталиев учинчи ўринларни эгаллади ва мамлакат босқичига йўлланма олди.

Голиб ва фаол иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Довуд АБИБУЛЛАЕВ

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК  
**ҚОРАҚАЛПОҚИСТОН  
 RESPUBLIKASI  
 ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Алоқа соҳасида меҳнат қилаётган  
 барча ҳамкасбларини кириб келаётган  
**АЛОҚАЧИЛАР КУНИ**  
 билан қутлайди.



“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК  
**НАВОИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**


Юртимиз алоқачиларини  
**КАСБ БАЙРАМЛАРИ**  
 билан чин дилдан  
 муборакбод этади.

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК  
**ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ  
 ЖАМОАСИ**

*Ахборот технологиялари ва  
 коммуникациялари ходимларини*  
**КАСБ БАЙРАМЛАРИ**  
*билан табриклайди.*

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК  
**САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ  
 ЖАМОАСИ**

**АЛОҚАЧИЛАР КУНИ**  
 билан барча касбдошларини қутлайди.



## КАК БУДУТ БОРЬБЫСЯ С НАРУШЕНИЯМИ АВТОРСКИХ ПРАВ В ИНТЕРНЕТЕ?

Президент Шавкат Мирзиёев утвердил новые меры по развитию сферы интеллектуальной собственности и её защите.

Согласно документу, с 1 октября сайты с пиратским контентом будут вноситься в специальный реестр нарушителей авторских и смежных

прав. Представитель Минюста Дильфуза Исмаилова разъяснила шаги по борьбе с онлайн-пиратством. Вести реестр сайтов-нарушителей авторских прав будет «Узкомназорат». Исходя из его указаний, Мининфоком будет принимать меры по ограничению их работы до полного разрешения вопроса по нарушениям.

До перехода к ограничениям обязательно задействовать меры правового воздействия, соответствующие нарушению, — в том числе предупреждения и ходатайства. В некоторых случаях также возможно привлечение владельцев к административной ответственности по суду.

Если указанные меры не привели к разрешению конфликта, Мининфоком ограничит деятельность сайта на определённый срок. Под этим подразумевается именно ограничение доступа пользователей к нему, а не остановка или закрытие сайта, подчеркнула Исмаилова.

Основная цель данных мер, согласно Минюсту — «предотвращение использования произведений литературы и искусства, а также смежных правовых объектов, без разрешения авторов и правообладателей».

Сейчас уже действуют нормы по защите авторских прав онлайн, указывают в Минюсте. Обязанность владельцев сайтов и блогеров не размещать противоправную информацию обозначена в законе «Об информатизации» (2003), а соблюдение ими авторских прав — в законе «О СМИ» (2007 год).



## В ПЕКИНЕ ПОЯВИЛИСЬ ПЕРВЫЕ ПОЛНОСТЬЮ БЕСПИЛОТНЫЕ ТАКСИ

Компании Baidu и Pony.ai получили разрешение на эксплуатацию своих беспилотных автомобилей без водителей. Хотя компаниям больше не требуется присутствие человека на водительском месте, присутствие контролера в автомобиле все равно необходимо.

Baidu и Pony.ai пока не могут работать по всему Пекину — они ограничены территорией в 60 квадратных километров в Ичжуане, где проживает около 300 тыс человек.

Власти Пекина начали разрешать Baidu и Pony.ai взимать плату за свои услуги роботакси в районе Ичжуан в ноябре прошлого года. По данным TechCrunch, пассажиры могут вызвать роботакси через приложение Apollo Go от Baidu с 10 утра до 4 вечера или через приложение Pony.ai PonyPilot Plus с 9 утра до 5 вечера.

## ВЫШЛА ЮБИЛЕЙНАЯ ВЕРСИЯ БРАУЗЕРА FIREFOX 100

Вслед за Google, компания Mozilla также обновила свой браузер Firefox до сотой версии.

При этом обновлённый Firefox получил множество интересных нововведений. Например, теперь приложение поддерживает HDR-видео — владельцы компьютеров, поддерживающих данный стандарт, могут порадоваться.

Также в числе неожиданных апдейтов — внедрение поддержки субтитров в режиме «картинка в картинке». Правда, стоит отметить, что новый режим работает исключительно на платформах с поддержкой формата WebVTT.

Вместе с тем разработчики из Mozilla научили свой браузер определять часто используемый язык — именно на него приложение будет предлагать переключиться пользователям. Помимо этого возможность заполнения данных о кредитной карте заработала в нескольких европейских странах: Великобритании, Франции и Германии.

## APPLE НАЧНЁТ УДАЛЯТЬ ИЗ APP STORE НЕПОПУЛЯРНЫЕ ПРИЛОЖЕНИЯ

Apple в рамках улучшения своего магазина приложений решила убрать из сервиса продукты, которые давно не обновлялись или количество скачиваний которых ниже необходимого минимума.

«В рамках процесса улучшения App Store разработчики приложений, которые не обновлялись в течение последних трёх лет и не соответствуют минимальному порогу загрузки — это означает, что приложение не загружалось вообще или крайне редко в течение 12-месячного периода — получили электронное письмо с уведомлением о том, что их приложение идентифицировано для возможного удаления из App Store», — сказано в сообщениях компании.

## UZINFOCOM РАЗРАБОТАЛ ПРИЛОЖЕНИЕ ccTLD.UZ

Единый интегратор Uzinfocom представил приложение для мониторинга доменов ccTLD.uz. Об этом пишет пресс-служба Мининфокома.

Запуск приложения приурочен к 27-летию создания доменной зоны .uz, администратором которой с 2003 года выступает Uzinfocom. Приложение позволит пользователям отслеживать срок до истечения регистрации их доменного имени.

Также ccTLD.uz предоставляет ряд других инструментов. В частности, через приложение будут доступны:

- Whois — основная информация об интересующем пользователя доменном имени;
  - определение IP-адреса сайта по доменному имени;
  - проверка доменного имени на использование расширений безопасности (DNSSEC);
  - инструмент проверки HTTP Headers;
  - Ping — проверка целостности и качества соединения в интернете и других TCP/IP-сетях;
  - DIG — DNS-клиент с интерфейсом командной строки;
  - конвертер IDN — преобразование интернационализованного доменного имени (например, на кириллице — «госуслуги.рф») из одного формата символов в другой.
- Приложение бесплатно и доступно как для iOS (App Store), так и для Android (Play Market).



Keep your domains handy!  
The .UZ domain has become even closer!



Domeniaringizni dolmo o'z nazoratligizda saqlang!  
UZ domain yanada yaqinroq!



## IT-PARK И CODIFY ЗАПУСКАЮТ СЕРИЮ МАСТЕР-КЛАССОВ НА ТЕМУ IT-ОТРАСЛИ

IT-Park анонсировал серию мастер-классов, посвящённых IT-индустрии.

Мероприятия будут проводиться совместно с Codify — как в офлайн-формате, так и онлайн. Перед слушателями будут выступать спикеры и специалисты по ряду направлений, в том числе:

- Frontend-разработка;
- UI/UX-дизайн;
- разработка для Android и т. д.

Первый мастер-класс по Frontend-разработке начинается 6 мая в 19:00. Вести его будет опытный специалист Шахзод Машраббоев.

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК  
БУХОРО ФИЛИАЛИ  
ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз алоқачиларини  
КАСБ БАЙРАМЛАРИ  
билан чин дилдан табриклайди.



Ватанимиз тонглари  
ҳамиша мусаффо бўлсин!

“Ўзбекистон почтаси” АЖ

ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Барча ҳамкасбларини  
АЛОҚАЧИЛАР КУНИ  
билан қизғин табриклайди.



Хонадонингиздан ҳеч қачон  
файзу барака аримасин!

“Ўзбекистон почтаси” АЖ

АНДИЖОН ФИЛИАЛИ  
ЖАМОАСИ

Гўзал юртимиз алоқачиларини  
яқинлашаётган  
КАСБ БАЙРАМЛАРИ  
билан муборакбод этади.




Эзгулик зиёси хонадонингизни  
ёртиб, қалбингизни доимо нурафшон  
этиб туришига тилакдошимиз!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

СИРДАРЁ ФИЛИАЛИ  
ЖАМОАСИ

Соҳа фидойиларини  
АЛОҚАЧИЛАР КУНИ  
билан чин дилдан табриклайди.





**7**  
**May**

**ALOQACHILAR KUNI BILAN!**

“AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA AXBOROT RESURLARINI RIVOJLANTIRISH MARKAZI” DAVLAT UNITAR KORXONASI

TECHNOCORP

TECHNOCORP.UZ TECHNOCORP.UZ TECHNOCORP.UZ TECHNOCORP.UZ

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**Республикамыз алоқа ходимларини КАСБ БАЙРАМЛАРИ билан қутлайди!**



Тарғибот тадбири

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК СУРХОНДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Соҳа ходимларини яқинлашаётган  
**АЛОҚАЧИЛАР КУНИ**  
билан қизғин табриклайди.



**ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ**

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида ёшларни ақидапарастлик оқимлари таъсиридан сақлаш ва миссионерликка қарши курашишга қаратилган “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Филиал профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этган ушбу тадбирни филиал директори З.Қаршиев кириш сўзи билан очди ва мавзу юзасидан маъруза қилди.

Шундан сўнг Самарқанд вилояти ҳокимлиги Дин ишлари қўмитаси раҳбари С.Боймуратов бугунги ҳаётимизнинг энг долзарб мавзуларидан бирига айланаётган диний экстремистик оқимлар ҳамда миссионерликнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот ишлари аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Бугун интернет ва ундаги ижтимоий тармоқлар каби энг замонавий технологиялардан, кишилар учун муқаддас саналган туйғулардан фаол фойдаланган ҳолда инсон онги ва қалби учун олиб борилаётган кураш ўта нозик тус ва хатарли қўлам касб этган. Турли мутаассиб кучларнинг Ислоҳ дини асосларини, Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг асл моҳиятини бузиб талқин қилиши, жамият ҳаётига таҳдид соладиган ишларни ислом билан боғлашга уринаётгани бунинг мисолидир.

Ёшларнинг турли оқимларга кириб қолишлари сабаблари қаторида уларнинг билими, шу жумладан, диний илмларни эгаллашга бўлган қизиқиш ҳамда

ишонувчанлиги, бирданига бойлик, шон-шухрат, мартаба ва ҳоказоларга эга бўлишга ҳаракат қилиши, илмий тил билан айтганда, максимализм каби маънавий-руҳий омилларни алоҳида сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, диний экстремистик оқимлар ҳам жамиятнинг эртанги кунини белгилаб берадиган авлод онгини эгаллаш, назорат қилишни кўзлаб иш юритмоқда.

Таъкидландики, ҳар биримиз оиламизда ҳамда талаба-ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ва тизимли ташкил этиш, ёшларни дунёвийлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган амалий чора-тадбирлар ва маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ўз иқтидорларини намоён этишлари учун шарт-шароитлар яратишига кўмак беришимиз керак.

Ёшларни интернет ва ижтимоий тармоқлардаги ахборот хуружларидан асрашнинг йўллари таҳлил қилинган ушбу тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

ТАТУ Самарқанд филиали  
Ахборот хизмати



## ИСТЕЪДОД ВА ИҚТИДОР УЙҒУНЛИГИ

Юртимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ишларига ҳар қачонгидан ҳам эътибор қаратилиб, уларнинг ижодий, интеллектуал, маънавий ва жисмоний салоҳиятини янада юксалтиришга ҳаракат қилинмоқда. Таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришадиган ёшлар муносиб рағбатлантирилиб бориляпти.

изланишларини давом эттираётган ёш олима қизимиз етук мутахассис бўлишга интилмоқда.

П.Холиқова университет миқёсидаги илмий-амалий семинарлар, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда фан олимпиадалари фаол қатнашчиси. Жумладан, унинг 2021 йилда “Қуролли кучлар тузилмаларини инновацион ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни” мавзусидаги республика конференциясидаги мақоласи, “Замонавий таълим тизимларини ривожлантириш ва унга қаратилган креатив ғоялар, таклифлар ва ечимлар” республика конференциясида “Информатиканинг ахборотлашган жамият ҳаётидаги ўрни” мавзусидаги чиқиши иштирокчилар томонидан қизгин кутиб олинди. “Электроника ва схемалаш 1” фани бўйича ўтказилган фан олимпиадасининг фахрли 1-ўрин соҳиби. “Йил талабаси-2021” танловидан аввал факултет, сўнг университет ғолиби. “Йил талабаси” ва “Балли, қизлар!” танловларининг доимий пешқадами. One Million Uzbek coders лойиҳасининг Android Development track йўналишини тугатган. Ҳозирда инглиз ва рус тилларини мукамал ўзлаштиришга киришган.

Паризода “Замонавий таълим тизимини ривожлантириш ва унга қаратилган креатив ғоялар, таклифлар ва ечимлар” мавзусидаги кўп тармоқли 9-республика илмий-ойлайн конференциясида сертификат билан, университет маъмуриятининг “Энг истеъдодли қиз” номинацияси учун ташаккурнома ва диплом билан тақдирланган. Паризода Холиқова бир неча илмий мақолалар муаллифи ҳамдир. Унинг илмий изланишлари матбуот саҳифаларида, жумладан, “Таълим фидойилари” журналида “Ўзбек адабиётининг забардаст вакили Саид Аҳмадининг адабий мероси таснифи” мавзусидаги мақоласи чоп этилган.

Бугунги кунда илм-фан ва техникани янгиликларсиз тасаввур этиш қийин. Инновацион иқтисодийни қўллаб-қувватлаш, янги ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий этишга бўлган эътибор кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланишига хизмат қилмоқда. Бу борада ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг фаоллиги ошиб бораётгани янада қувонарли. Паризода сингари изланувчан иختирочилар томонидан таклиф этаётган лойиҳалар амалиётга татбиқ этилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Кейинги йилларда университет инновацион маркази фаолияти ривожланиб, аъзолар сони ортиб бормоқда. Ёш олимлар, иқтидорли талабаларнинг АКТ соҳасидаги ишланмалари соҳа ривожидида муҳим аҳамиятга эга эканлигини чуқур англаган Паризода Холиқова изланишда давом этмоқда.

Афтондил ИСМОИЛОВ,

“Xabar”нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Аъло ҳулқи, ноёб истеъдоди, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ва жамоатчилик ишларида фаоллиги учун қатор муваффақиятларга эришган Паризода Холиқова асли Шахрисабз туманидан. У тумандаги 7-сонли Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатидаги ўқувчилик йилларида ҳам бир қатор ютуқлар соҳиби бўлган. 2017 йилда “Хуқуқ билимдонлари” кўрик-танловининг республика bosқичида учинчи ўрин соҳиби, 2018 йилда АКТ вазирилик томонидан ўтказилган “Муҳаммад ал-Хоразмий издошлари” кўрик-танлови совриндори. Фақат бу эмас, 2017 йили Москва шаҳрида математика фанидан ўтказилган онлайн олимпиадасида 2-ўринни, 2018 йили “Инновацион олимпиада”да математика фанидан 2-ўринни қўлга киритди. Мактабни қумуш медал билан биритиргач, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси бўлди.

– Ютуқларим замирида бир фоиз истеъдод бўлса, қолган тўқсон тўққиз фоизи меҳнат самарасидир, – дейди Паризода. – Устозларимнинг ўгитларига амал қилган ҳолда фан ва таълим соҳасидаги янгиликлардан доимо хабардор бўлиб бораман. Университетда аниқ фанларни ўзлаштириш билан бир қаторда, жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этиб келяпман.

Қаҳрамонимиз жорий йилда университет маъмуриятининг пудрат шартномаси шахсий таркиби тўғрисидаги 11-сонли буйруғига асосан 31 декабргача ижодий жамоада асосий ишдан ташқари вақтинча илмий ишлар билан шуғулланиш учун жамоатчилик лавозимидаги ишга қабул қилинди. Эндиликда “Электроника ва радиотехника” кафедраси мудири Хуршид Сатторов раҳбарлигида “Юрак-қон томир касалликлари хавфини эрта аниқлаш ва башорат қилиш” мавзусидаги лойиҳада қатнашмоқда. Шу мавзуда олиб бораётган илмий изланишлари яқин орада амалиётга жорий этилса, инновацион самарадорликка эришилади. Демак, ахборот технологиялари соҳасида илмий



Маслаҳат

### МУТАХАССИС ОЗИШДАГИ ЭНГ ХАВФЛИ ХАТОНИ АЙТДИ

Америкалик диетолог Лиза Московиц диета пайтида нонушта қилиш билан боғлиқ энг хавfli хатони маълум қилди. “Қўпинча озишни хоҳловчилар истеъмоқ қиладиган калориялар миқдорини иложи борича камайтириш учун нонушта қилишдан бош тортишадми”, дейди у.

Мутахассиснинг фикрича, буни амалга ошириб бўлмайди. Нонушта қилмаслик кайфиятнинг ўзгаришига, очлик ва чарчоққа олиб келиши мумкин, бу эса вазн йўқотишга халақит қилади. “Нонушта учун истеъмоқ қилган маҳсулотлар куннинг қолган қисмида энергия захирангиз, диққат-эътибор, овқат ҳазм қилиш, кайфият, очлик ва метаболик фаолиятингизга таъсир ўтказиши мумкин”, деб изоҳлади Московиц.

Диетолог нафақат нонушта қилишни ўтказиб юбормаслиқни, балки улар таркибида оксид, клетчатка ва ёғнинг балансланган миқдорини таъминлашни тавсия этади. Агар эрталаб нонушта тайёрлашга вақт етмаса, Московиц сметана, йогурт, қовурилган нон ва бодом ёғи ёки протеинли батончик истеъмоқ қилишни маслаҳат беради.

### Ўтганларнинг охираати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси Тошкент ахборот технологиялари университети ректори в.б. Бахтиёр Маҳқамовга волидаи муҳтарамаси

МАМЛАКАТХОН онанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаб ва уюшмаси Республика кенгаши Тошкент ахборот технологиялари университети ректори в.б. Бахтиёр Маҳқамовга волидаи муҳтарамаси

МАМЛАКАТХОН онанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

**Xabar**  
MUASSIS:  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
AXBOROT TEXNOLOGIYALARI  
VA KOMMUNIKATSIYALARINI  
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI  
**Bosh muharrir:**  
Abdug‘ani ABDURAHMONOV

Tahrir Hay‘ati:  
Sherzod SHERMATOV (Hay‘at raisi), Nazirjon HASANOV,  
Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV,  
Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o‘rinbosari),  
Usmonjon YO‘LDOSHEV (Mas‘ul kotib).  
Tahririyatga kelgan qo‘lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi.  
Muallifning fikrlari tahririyat fikridan furlanishi mumkin.  
Nashrimizdan ko‘chirib bosilganda “Xabar” dan olinganligi ko‘rsatilishi shart  
Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi.  
Bahosi kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:  
100000 Toshkent shahri,  
Amir Temur 1-tor ko‘chasi, 2-uy  
(Mo‘ljal Oloy bozori).  
Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31.  
Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz  
Obuna indeksi — 228.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.  
Dizayner: Asliddin BO‘RIYEV.  
Navbatchi: Usmonjon YO‘LDOSHEV.

Gazeta O‘zbekiston matbuot va axborot agentligi to‘monidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro‘yxatga olingan.  
Gazeta haftaning juma kuni chiqadi  
Gazeta “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi 41-uy.  
Г-559 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi.  
Qo‘g‘oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3167  
ISSN 2010-6424  
Bosishga topshirildi — 17 °°  
Bosishga topshirish vaqti — 24 °°  
Viloyat muxbirlari: Andijonda (74) 226-47-80 Buxoroda (99)854-7305 Jizzaxda (94) 199-95-64 Namanganda (91) 353-71-25 Navoyida (79) 225-91-10 Nukusda 554-35-45 Samarqandda (91)557-84-44 Termizda (99)508-30-52 Toshkentda 234-18-59 Urganchda (97) 211-65-05 Farg‘onada (73) 244-18-05 Qarshida (93)931-08-99